

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Шу кунларда вилоятимиздаги 122 та касб-хунар коллежи ва 6 та академик лицейда битирувчиларга диплом топириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Бу йил 37 минг битирувчи 106 та касб йўналиши бўйича коллеж ва лицейларни тамомламоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Янгийул транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан ўтказилди. Тадбирда коллежнинг 288 битирувчисига тантанали равишда диплом топирилди. Энди улар мутахассисликлари бўйича иш бошлашади.

– Коллежимизда 960 ўқувчи илгор педагогик технологиялар асосида таълим олади, – дейди директор Маъруф Калонхонов. – Ўқувчилар назарий билимларини амалиётда қўллашлари учун "Тошкент телеком" каби турли корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузилган.

Мазкур коллежда бухгалтер, автомеханик, пайвандчи, чилангар, компьютер хизматлари кўрсатиш йўналишлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрланади.

– Уч йил бирга таълим олган дўстларим, ота-онамиздек бўлиб қолган устозлар билан хайрлашиш осон эмас экан, – дейди ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши битирувчиси Жаҳонгир Тўхасинов. – Ҳозирда хусусий корхонада танлаган йўналишим бўйича ишга жойлашдим. Келажақда ўз касбимнинг етук мутахассиси бўлиб етишишга ҳаракат қиламан.

Нозима АРСЛОНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Даврон АХМАД
олган сурат.

ДИПЛОМ БИЛАН ИШГА



Эътироф

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ


Валенсияда бўлиб ўтган халқаро конференцияда муҳокама этилди

Испаниянинг Валенсия шаҳрида "Farb va Bуюk Ипак йўли" мавзуга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Испания ҳукумати ва ЮНЕСКО ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуман доирасида мамлакатимизнинг Мадриддаги элчихонаси томонидан ушбу кўхна трансконтинентал йўл ривожланишига Ўзбекистоннинг қўшган ҳиссаси мавзусидаги тақдирот маросими ташкил этилди.

Конференция чоғида унинг иштирокчилари – таниқли олим ва экспертлар, дунёдаги 30 дан зиёд мамлакатнинг сиёсий ва ишбилармон доиралари делегациялари Шарқ ва Farb ўртасидаги савдо муносабатлари, маданиятлараро ва илмий алоқалар тараққиётида Буюк Ипак йўлининг аҳамиятини, шунингдек, янги тарихий шароитларда унинг қайта тикланиши истиқболларини муҳокама қилдилар.

Бўлиб ўтган тақдирот маросимида мамлакатимиз тарихан Буюк Ипак йўлида жуда муҳим ўрин тутгани, нафақат савдо алоқалари, балки маданиятлараро ва цивилизациялараро муносабатларнинг ривожига ҳам улкан ҳисса қўшгани Ўзбекистон томонидан қайд этилди.

Шунингдек, маросим катнашчилари мамлакатимизда сайёҳлиқни ривожлантириш, маданий-тарихий меросни, Са-



марқанд, Бухоро, Хива Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги машҳур меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Тақдирот халқаро анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Буни тадбир катнашчилари томонидан билдирилган филм-мулоҳазалардан билиш мумкин.

– Ўзбекистон бой ва жуда мазмундор тарихга эга мамлакатдир, – деди сенатор, Испаниянинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлик бўйича миллий мувофиқлаштирувчиси Хосе Мария Чикольо. – Турли маданиятлар ва цивилизациялар марказида жойлашган мамлакатингиз дунё тараққиётига катта ҳисса қўшган. Бугун биз Шарқ ва Farb халқларининг тарихидаги савдо ва маданий муносабатлар

ривожланишида Буюк Ипак йўлининг аҳамиятини муҳокама қилдик. Бу ўринда Ўзбекистонни, юртингиздаги қадим йўлнинг чорраҳаси бўлган аjoyиб шаҳарларини тўл олмаслик мумкин эмас.

– Ўзбекистон янги замон шароитларида Буюк Ипак йўлини тиклашга йўналтирилган халқаро савб-ҳаракатларда фаол иштирок этмоқда, – деди Жаҳон Сайёҳлик ташкилотининг (ЮНВТО) Европа бўйича минтақавий директори Изабель Гаранья. – Ўтган йили БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси Самарқандда юқори даражада ташкил этилган ҳам улкан сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган мамлакат сифатида дунёда Ўзбекистонга нисбатан қизиқиш ўсиб бораётганининг тасдиғи бўлди.

"Жаҳон" АА.

Бу йил Куйи Чирчиқ туманидаги академик лицей ва касб-хунар коллежларини 1200 нафар йигит-қиз кишлоқ хўжалиги, агроиктисодиёт, қурилиш, тўқимачилик, саноат, коммунал ва маиший хизмат каби қатор

мутахассисликлар бўйича тамомлашмоқда. Айни кунларда ушбу таълим масканларида битирувчиларга мутахассислик дипломларини топириш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

УЧ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМА БЎЙИЧА

Куйи Чирчиқ агроиктисодиёт касб-хунар коллежидан ўтказилган ана шундай тадбирда туман ҳокимлиги, корхоналар, нодавлат ношжорат ташкилотлар вакиллари, ўқувчи-ёшлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Таъкидланганидек, агро-саноат соҳаси учун беш йўналишда кичик мутахассислар тайёрлаётган таълим масканида коллеж муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор

берилмоқда. Тумандаги корхона ва ташкилотлар билан олдиндан тузилган уч томонлама шартнома-ларга кўра, бу йил ҳам битирувчиларнинг асосий қисми ўз мутахассислиги бўйича ишлади.

Юлдузхон
муҳиддинова.

Фармон ва ижро

ҲАРАКАТДА – БАРАКА

Мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, ташаббус ва инициативаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш босқисиди қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар хо-

тин-қизларнинг ўз қобилият ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Бекобод тумани, Зафар кўрғонидида истиқомат қилувчи Сафарой Бердиева ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, 2014 йилда

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«АЙРОНЧИЮ ШАРБАТЧИ ҲАМ ТАДБИРКОРМИ?»

Газетанинг шу йил 20 июндаги 49-сонидида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Бўқа туманида қўлбола салқин ичимлик сотаётганлар фаолияти, хусусан, ноқонуний савдо билан шуғулланаётганлар мактабга қайтариш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётгани, шунингдек, бундан кейин ушбу ҳолатга ўхшаш вазиятлар такоррланмаслиги учун тегишли қарорлар қабул қилинган.

имзоси билан жавоб хати олди. Унда айтилишича, мақола бошқарманинг кенгайтирилган йиғилишида атрофчи муҳокама қилиниб, дарс ва дарсдан бўш вақтида савдо-сотик билан шуғулланаётганларни мактабга қайтариш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётгани, шунингдек, бундан кейин ушбу ҳолатга ўхшаш вазиятлар такоррланмаслиги учун тегишли қарорлар қабул қилинган.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, жамият тараққиётига ҳисса қўшишга қодир, жисмонан ва маънан етук авлоднинг камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эзгу мақсадлар Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган сўзларида мужассамдир.

Дарҳақиқат, эртанги кунининг бугунидан-да ёруғ, фаровон бўлишини истаган жамият, энг аввало, ёшлар камолотида эътибор қаратади, уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун зарур чора-тадбирларни кўради. Эътиборлиси, халқимиз азал-азалдан ёш авлодга эртанги кунининг эгалари, эзгу ишларининг давомчилари сифатида қарай-

ди. Бундай эзгу мақсадлар бугун ҳар қақонидан ҳам теран мазмун касб этмоқда. Ёшлар камолотида уларга тааллуқли ҳар бир соҳанинг ўз ўрни бор. Жумладан, вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда, табиийки, уларнинг ҳуқуқлари қонунийликда қанчалик даражада мукамил акс этгани ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода мамлакатимизда ёшларни тарбиялаш ва улар фаолиятини амалга оширишининг муштаҳам ҳуқуқий асослари яратилган амалда қўрилган самарани бермоқда. Буларни Конституциямиз, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг қамоллатлари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонунов, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси ва Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам қўришишни мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Ким эдигу ким бўлдиқ?

ЎЗИМИЗГА ҲАМ, ЎЗГАЛАРГА ҲАМ...

Истиқлолдан олдин оддий гуғуртни ҳам четдан олган Ўзбекистон бугун дунё мамлакатларига юзлаб турдаги маҳсулотларни экспорт қилмоқда

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалиб бормоқда. "Made in Uzbekistan" ёрлиғи туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорида кенг ўрин эгалламоқда.

Жаҳон миқёсидаги молиявий-иқтисодий инқироз таъсири давом этаётганига қарамадан, санокли мамлакатлар бозорининг юқори талабларига жавоб беради. Тадбиркорларимизнинг дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилаётган халқаро ярмарка ва кўргазмалардаги фаол иштироки мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш кўлами ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, бугун компания таркибидида уч юзга яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Шундан 156 корхона Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур, Германия, Швейцария, Италия, Япония, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа мамлакатлар инвесторлари иштирокида ташкил этилган.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган енгил саноат маҳсулотлари Европа, Америка, Осиё ва Африка мамлакатларига етказиб берилаётди.

Истиқлол шарофати билан юртимизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, уни жаҳон бозорига тақдир этиш ва дунё тадбиркорлари билан тенгма-тенг рақобатлашиш имконига эга бўлдиқ, – дейди "Sharq Sanoat" концерни раиси ўринбосари Аҳмад Эргашев. – Компаниямиз таркибидида ўттиз корхона бор. Бу корхоналар энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган ва барча халқаро стандартларга жавоб беради. Трико-таж маҳсулотларимизнинг аксарияти экспорт қилинади. 2014 йилда жинс матолардан турфа кишимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Уларга талаб гоёят юқори.

(Давоми 2-бетда).

коллежи "Фармация"
кафедраси" катта
ЎҚИТУВЧИСИ

Тахририятга хат келди

ЮЛДУЗГА КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?

Юлдуз Эгамкуловани илк бор кўрганда Юкори Чирчиқ туманидаги "Magik Golden" хусусий корхонасида кўли-қўлига тегмай миқозларга хизмат кўрсатарди. Унинг очикўнгиллиги, ширин муомаласи диққатини тортди. Шу топда

– Ёшим йигирма иккида, – дейди у. – Онамнинг айтишича, туғилганимда соғлом бўлган эканман. Хатто биласизми, 4-синфини ўзим мактабга юриб бориб ўқиганман. Аммо, бир кун оёқларимда огрик пайдо бўлди. Бир неча кун огриётган оёқларим билан мактабга катнадим. Кейин эса... Ўзим ўқиган 39-умумий ўрта таълим мактаб жамоаси менга барча шарт-шароитларни яратиб

Сўраган эдингиз

АМЁБИАЗ КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИНГ

Амёбиаз қандай касаллик? Уни юқтирган беморлар умумий овқатланиш жойларида ишлаши мумкинми?

Амёбиаз (амёбали ичбурғ) протозой касаллиги бўлиб, яққол кечувчи интоксикация, ичакларнинг ярали яллиғланиши ва баъзи ҳолларда жигар, бош мия, ўпка ва бошқа абсцесслар каби асоратлар билан кечади. Касаллик чақирувчи амёбалар 3 хил, катта вегетатив, оралик ва циста шаклларида бўлади. Касаллик манбаи – амёбиаз билан касалланган одам

бери. Устозларим Шарофат ва Нодира опалар уйга келиб, таълим беришди. Уларнинг беминнат ёрдами, қимматли маслаҳатлари билан 9-синфини тамомладим. Мактабни битиргач, коллежда ўқиш насиб қилмади. Бундан тушқунликка тушмадим. Маҳалламизда яшовчи тикувчи аёл Мавлуда опага шогирд тушдим. Улардан тикиш-бичиш сирларини кунт билан ўргандим. Кейин маҳалламизда

у ўтирган хона бурчагидаги ногиронлар аравачасига кўзим тушди-ю, ичимдан алланарса чирт этиб узилгандек бўлди. "Нахотки шундай киз ногирон бўлса?" Шу ҳаёл билан Юлдузни суҳбатга чорладим.

Касалликнинг яширин даври 1 ҳафтадан 3 ойгача давом этади. Амёбиаз билан оғриганларнинг ярими касалликка эндемик бўлган мамлакатларга борган вақтининг бир ярим йиллигида касалланади. Амёбиазнинг клиник кечиши кўп қиррали бўлиб, ичак амёбиази (ўткир, ярим ўткир, яширин), амёбиазнинг

"Тошвилсувокова" АЖ таркибидagi "Сувокова" масъулияти чекланган жамиятлар ва уларнинг таркибидagi филиаллар томонидан ишлаб чиқарилган ичимлик суви ва оқова хизматларининг баҳоси Тошкент вилояти Молия бошқармаси томонидан 2015 йил 8 июлда рўйхатга олинган ва тасдиқланган ТВ-08-11-3-2015/1-сонли реестр-ларига асосан 2015 йил 25 июлдан бошлаб сув ва оқова нархлари кўйидагича белгиланади.				
№	Худудлар номи	Узунлик	Хизмат тур	Рестр - ТВ-08-11-3-2015/1 - 08.07.2015 йил
Амёбиаз касаллиги				
№	Худудлар номи	Узунлик	Хизмат тур	Рестр - ТВ-08-11-3-2015/1 - 08.07.2015 йил
1	Янгиёул МЧЖ	1м3	сув	280 670 850
2	"Шавкат Шокир рашидов"	1м3	оқова	180 310 760
3	"Эркин булоқ суварлари"	1м3	сув	280 670 850
4	"Ушқар булоқ суварлари"	1м3	оқова	180 310 760
5	Чилчоз	1м3	сув	280 670 850
6	Кўри Чирчиқ	1м3	сув	280 670 850
7	Бўтовонлар МЧЖ	1м3	сув	370 918 1272
8	"Сойлик сув сервис"	1м3	сув	370 918 1272
9	"Товоқсой сув"	1м3	сув	370 918 1272
10	Юкори Чирчиқ	1м3	сув	370 918 1272
11	Паркент	1м3	сув	370 918 1272
12	Аштрон МЧЖ	1м3	сув	510 950 1260
13	Красногорск	1м3	сув	510 950 1260
14	Чилчиқ	1м3	сув	510 950 1260
15	Чирчиқ МЧЖ	1м3	сув	510 950 1260
16	Қибрай	1м3	сув	510 950 1260
17	Олмалик МЧЖ	1м3	сув	510 950 1260
18	Олтанарон	1м3	сув	510 950 1260
19	Павкент	1м3	сув	510 950 1260
20	Ушқарчиқ	1м3	сув	510 950 1260
21	Бекбоёв МЧЖ	1м3	сув	510 950 1260
22	Оққорғон	1м3	сув	510 950 1260
23	Бўка	1м3	сув	510 950 1260
24	Зағиота МЧЖ	1м3	сув	510 950 1260

Шунинг учун "Сувокова" масъулияти чекланган жамиятлар ва уларнинг таркибидagi филиаллар хизматидадан фойдаланаётган миқозлар қараларини 2015 йил 25 июль кунига қадар тўлашлари тавсия этилади, акс ҳолда 2015 йил 25 июль кунидан бошлаб фойдаланилган ичимлик суви ва оқова хизматлари учун тўловлар янги баҳоларда қайта ҳисоблаш орқали амалга оширилади

«CHIRCHIQ SUVOQOVA» МЧЖ ТВ-08-11-3-2015/1 сонли реестр асосида 2015 йил 8 июлдан ичимлик суви ва оқова хизматлари учун янги тарифларни тасдиқлади. Қибрай тумани ва Чирчиқ шахри аҳолиси, бюджет ва бошқа корхоналар учун тариф 2015 йил 25 июлдан кучга киради.

Аҳоли учун:
1 м. куб ичимлик суви – 252 сўм ККС сиз,
1 м куб оқова – 135 сўм ККС сиз.

Бюджет ва бошқа корхоналар учун:
1м. куб ичимлик суви – 1010 сўм ККС сиз,
1м. куб оқова – 335 сўм ККС сиз.

«CHIRCHIQ SUVOQOVA» МЧЖ маъмурияти.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

бўлган интилишдан қувондик. У 1-гурӯх ногирониман деб ўзини четга олмади. Озми-кўпми Ватан, эл-юрт равнақи учун ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлади. Яқинда Юлдузнинг ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. "Щедрое лето" савдо белгиси остида ташкил этилган "Мамлакатнинг энг яхши бекаси бўлинг" танловида иштирок этиб, мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Ташкилотчилар унинг меҳнатларини муносиб рағбатлантиришди. Хатто, "Ёшлар" телеканали кўрсатув тайёрлади. Юлдуз Эгамкулова билан суҳбатлашиб қайтар экан-

миз, унинг матонати қўллаб-ёшларимизга ўрнатқ бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлади. Унинг орзулари юксак эканлигидан қувондик. Аммо, қўнғлимизда бироз хижиллик ҳам бор эди. Чунки, унга 2010 йилда туман Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси берган ногиронлар аравачаси эскириб, анча яроқсиз ҳолга келиб қолди. Ойласидагилар икки-уч бор таъмирланибди. Юлдузнинг айтишича, яқинда яна ўша бўлими бошлиғи номига моторли аравача сўраб мурожаат қилибди. Аммо, рад жавоби олибди...

Латифжон МАНСУРОВ.

Диролор АБДУОЛИМОВА, вилот ДСЭНМ олий тоифали шифокори. Икром БОБОЕВ, Зангиота тумани ДСЭНМ паразитология бўлими мудир.

ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2015 йил 11 август кунли соат 11:00 да бошланган ақш охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйиладиган мол-мулклар қўйилмоқда: I. Мировод туман СИБ томонидан, 26.01.2015 й. кунги 310-11/12-сонли иқро варақасига асосан хатланган, "Auto-Plaza Service" МЧЖ омибди да сакланётган: 1. 1962 йилда и/ч дав. бел. 01 062 МAA бўлган "М-21" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 4 299 588 сўм. 2. 1964 йилда и/ч дав. бел. 01 084 МAA бўлган "М-403" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 2 949 571 сўм. 3. 1983 йилда и/ч дав. бел. 01 083 МAA бўлган "Газ-14" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 29 069 297 сўм. 2015 йил 23 июль кунли соат 11:00 да бўлиб ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйиладиган мол-мулклар тақридан қўйилмоқда: I. Мировод туман СИБ томонидан, 24.03.2014 й. кунги 1-12/12-сонли иқро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сакланётган: 1. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 128 NBA бўлган "Каптив" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 78 950 000 сўм. 2. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 154 NBA бўлган "Каптив" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 78 950 000 сўм. 3. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 145 MAA бўлган "Каптив" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 78 950 000 сўм. 4. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 802 OAA бўлган "Каптив" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 78 950 000 сўм. 5. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 010 TAA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 80 750 000 сўм. 6. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 075 ZAA бўлган "Audi S5 Coupe 4.2" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 268 452 200 сўм. 7. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 337 DAA бўлган "Lexus LS460L" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 205 200 000 сўм. 8. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 763 TAA бўлган "Эника" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 52 250 000 сўм. 9. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 B 432 NBA бўлган "Audi A8L Quattro" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 213 750 000 сўм. 10. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 N 557 JA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 42 560 000 сўм. 11. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 470 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 43 605 000 сўм. 12. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 438 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 41 799 145 сўм. 13. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 544 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 41 799 145 сўм. 14. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 439 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 41 799 145 сўм. 15. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 856 LAA бўлган "Hyundai H-100" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 51 300 000 сўм. 16. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 870 BBA бўлган "Hyundai H-1 GLS" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 76 950 000 сўм. 17. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 906 DAA бўлган "Lada11184-114-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 19 905 000 сўм. 18. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 950 DAA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 16 340 000 сўм. 19. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 275 EAA бўлган "АГБСНПТА3330200-1414-21" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 38 000 000 сўм. 20. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 920 DAA бўлган "Ваз11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 19 475 000 сўм. 21. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 921 DAA бўлган "Лада11193-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 19 950 000 сўм. 22. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 913 DAA бўлган "Ваз1041-182-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 17 955 000 сўм. 23. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 922 DAA бўлган "Лада11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 18 525 000 сўм. 24. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 908 DAA бўлган "Лада11174-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 19 000 000 сўм. 25. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 911 DAA бўлган "Ваз104" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 19 000 000 сўм. 26. 1956 йилда и/ч дав. бел. 01 056 TAA бўлган "ЗИМ-12" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 13 084 129 сўм. 27. 1989 йилда и/ч дав. бел. 01 089 TAA бўлган "Опель Адмирал" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 8 018 131 сўм. 28. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 061 WBA бўлган "Isuzu NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 76 000 000 сўм. 29. 1941 йилда и/ч дав. бел. 01 041 MAA бўлган "Тонмак" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 9 221 240 сўм. 30. 1943 йилда и/ч дав. бел. 01 043 MAA бўлган "Крайслер" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 3 415 274 сўм. 31. 16.10.2013 й. кунги 62989/12-сонли иқро варақасига асосан хатланган, "Феруза Баракат Сервис" МЧЖда сакланётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 O 882 FA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 20 498 072 сўм. 32. 22.08.2013 й. кунги 58980/12-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 T 836 LA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 16129 797 сўм. 33. 07.01.2014 й. кунги 613/12-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 A 532 GA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 18875 988 сўм. 34. 15.08.2011 й. кунги 25578-85/22-25-12-сонли иқро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сакланётган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 19 A 351 бўлган "SK 24" ярим тиркама. Бошлангич нархи 23 040 350 сўм. 35. 11.02.2014 й. кунги 729/5-сонли иқро варақасига асосан хатланган, Тошкент ш., Муйнок кўчаси, 241-уйда сакланётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 O 190 AA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 7 299 477 сўм. 36. 11.02.2014 й. кунги 729/5-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 1992 йилда и/ч дав. бел. 10 AN 808 бўлган "Газ 31029" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 3 087 234 сўм. II. Чилонзор туман СИБ томонидан, 12.01.2015 й. кунги 13-421/14-сонли иқро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сакланётган: 1. 2003 йилда и/ч дав. бел. 01 P 706 LA бўлган "Мерседес Бенц 320" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 54 900 000 сўм. 2. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 N 202 GA бўлган "Лексус IS250" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 99 000 000 сўм. III. Сергели туман СИБ томонидан, 29.10.2013 й. кунги 1-803/13-сонли иқро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сакланётган, 1978 йилда и/ч дав. бел. 01 O 347 JA бўлган "Ваз 21011 СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 3 821 124 сўм. IV. Мировод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сакланётган: 1. 29.11.2013 й. кунги 39618/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2002 йилда и/ч дав. бел. 85 K 775 BA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 39 865 194 сўм. 2. 29.11.2013 й. кунги 39616/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 079 NA бўлган "Ваз 2108" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 4 074 181 сўм. 3. 16.04.2012 й. кунги 13368/5-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 585 CA бўлган "SHANASC-6382" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 8 903 078 сўм. 5. 30.10.2013 й. кунги 36235/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2004 йилда и/ч дав. бел. 10 Y 051 DA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 14 709 144 сўм. 6. 20.02.2014 й. кунги 5688/6-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Y 426 NA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 34 792 892 сўм. 7. 22.01.2014 й. кунги 2273/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 1978 йилда и/ч дав. бел. 10 J 106 FA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 5 324 457 сўм. 8. 22.01.2014 й. кунги 2263/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда и/ч дав. бел. 10 N 045 NA бўлган "Ваз 2103" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 3 303 042 сўм. 9. 15.04.2011 й. кунги 5867/21-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда и/ч дав. бел. 30 A 3258 бўлган "Газ" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 405 018 сўм. 10. 06.09.2013 й. кунги 32175/6-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 90 W 136 CA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 10716564 сўм. 11. 07.12.2010 й. кунги 16024/21-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда и/ч дав. бел. 30 I 7458 бўлган "Ваз-968" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 147573 сўм. 12. 20.10.2014 й. кунги 33301/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 30 T 2191 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 21 283 304 сўм. 13. 05.12.2014 й. кунги 40355/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 10 M 404 GA бўлган "Спарк" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 34 977 898 сўм. 14. 20.10.2014 й. кунги 33305/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 70 P 604 NA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 28 293 802 сўм. 15. 20.10.2014 й. кунги 33299/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 1997 йилда и/ч дав. бел. 01 R 586 MA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 22 049 310 сўм. 16. 20.10.2014 й. кунги 33300/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган 2009 йилда и/ч дав. бел. 60 Q 554 EA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 22

101 огоҳлантиради

Вилот ИИБ Ёнгин хавфсизлиги хизмати ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари, шунингдек, саноат корхоналари, мактаб, боғча, маҳалла ва аҳоли тураржойларида режали текширувлар ўтказмоқда. Фуқаролар билан учрашувлар, суҳбатлар уюштириб, ёнгин хавфсизлиги қондалари бўйича тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

ЛОКАЙДЛИК КУЛФАТ КЕЛТИРАР



Доимий огоҳлантириш ва узлуксиз тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, катта моддий ва маънавий зарар етказоётган ёнгинлар ҳамон рўй бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг 5 ойи мобайнида вилотимизда жами 505 та ёнгин содир бўлди. Уларнинг 363 таси аҳоли тураржойларида рўй бериб, 7 фуқаро ҳалок бўлди, 25 фуқаро эса турли хилдаги тан жароҳатлари олишди. Ҳозирги кунда етказилган моддий зарар миқдори бир миллирдан 449 миллион 318 минг 763 сўмдан ортиқни ташкил этмоқда.

Ёнгинларнинг 102 таси печь ва газ қурилмаларининг, 136 таси электр мосламаларининг носозлиги ёки улардан фойдаланиш қондаларининг бузилиши, 189 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 42 таси болаларнинг олов билан ўйнаши ҳамда 36 таси бошқа сабаблар оқибатида содир бўлган.

Кўришиб турибдики, ёнгин фуқароларнинг лоқайдлиги, бепар-

волиги, хавфсизлик қондалари рию қилмаслиги ва болаларни назоратсиз қолдириш натижасида содир бўлмоқда.

Жумладан, 3 май кунли Зангиота туманининг "Сарка" маҳалласида яшовчи Н. Абдуллаевнинг уйида содир бўлган ёнгинга электр симларининг қисқа туташуви сабаб бўлган. Натижада 140 кв.м майдонда

уй томи, шифти ва ҳовлида турган ГАЗ-52 юк автомашинаси бутунлай ёнган ва уй эгаси катта миқдорда мулкий зарар кўрган.

Шунингдек, 4 май кунли Бўстонлик туманилик К. Францовичнинг дала ҳовлисида чекиш, 14 май кунли Янгийўл тумани "Абай" кўчасида яшовчи С. Эркинованинг уйида қозонда ёғни қолдириш, 28 май кунли Ўрта Чирчиқ тумани "Дехқон обод" маҳалласида яшовчи М. Миразизовнинг ҳонадонидида электр симларнинг қисқа туташуви оқибатида ёнгинлар содир бўлган. Барча ёнгинлардан уй эгалари катта зарар кўришган.

Пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб толган бор мол-мулкнигиз бир неча сонияда кўкка совурилиб, фожиа қурбони бўлмай десангиз, олов билан ўйнашманг.

Ўт балосига учрамаслик учун ҳаммиса ҳушёр бўлайлик, хавфсизлик қондаларига амал қилайлик!

Сардор НУРМЕТОВ, вилот ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси.

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

470 135 сўм. 17. 20.10.2014 й. кунги 33296/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 B 725 OAA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 23 157 780 сўм. 18. 20.10.2014 й. кунги 33298/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 T 140 KA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 22 863 595 сўм. 19. 20.10.2014 й. кунги 33308/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2004 йилда и/ч дав. бел. 30 P 7714 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 12 236 950 сўм. 20. 05.02.2015 й. кунги 1904/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 10 N 501 CA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 23 940 000 сўм. 21. 05.02.2015 й. кунги 1902/19-сонли иқро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 892 BA бўлган "Матиз" русумли ав

